

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



«Ўзпахтаёғ» АЖ, «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва «Ўзнефтмахсулот» АЖ тизимида молиявий инспекторлар пайдо бўлади

Вазирлар Маҳкамасининг 24.10.2017 йилдаги 870-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низом Давлат молиявий назорати бош бошқармаси (Бош бошқарма) ва унинг ҳудудий бошқармаларининг макomini, вазифалари ва функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Шунингдек, у қуйидагилар устидан назоратни амалга оширади:

➤ молиявий ҳуқуқбузарликлар профилактикаси;

➤ бюджет тизими бюджетлари маблағлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг мақсадли сарфланиши;

➤ молиявий назорат объектлари томонидан бюджет қонунчилигига, шунингдек бюджет ва смета-штат интизомига риоя этилишини.

Шу мақсадда унга қуйидаги ваколатлар берилган:

➤ давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларидан,

банклардан ва бошқа ташкилотлардан зарур бўлган маълумотларни сўраш ва олиш;

➤ назорат объектларининг электрон маълумотлар базаси ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш;

➤ ёзма сўров асосида банк ва тижорат сирини ташкил этувчи бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ҳақидаги маълумотларни олиш;

➤ Халк банки филиалларидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига келиб тушган пенсия бадаллари тўғрисида маълумотларни сўраш ва олиш;

➤ аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан мажбурий тусга эга тақдимномалар кириштиш ва бошқалар.

Молиявий назорат функцияси юклатилган ходимлар аттестациядан ҳар 3 йилда 1 маротаба ўтказилади.

Молиявий инспекторлар лавозимлари жорий этиладиган корхоналарнинг янги рўйхати тасдиқланди. Булар «Ўзпахтаёғ» АЖ, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзнефтмахсулот» АЖнинг тарихига кирувчи айрим корхоналардир. Муқаддам тасдиқланган рўйхатлар (26.11.1996 йилдаги ВМҚ-418-сон; 23.12.1998 йилдаги ВМҚ-532-сон) ўз кучини йўқотди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 20.10.2017 йилдан кучга кирди.

Солиқ маслаҳатлари сифати назорат қилинади

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 24.10.2017 йилда 2940-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Солиқ маслаҳати миллий стандарти (5-сон СММС) «Солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорат қилишни ташкил этишга қўйиладиган талаблар» тасдиқланди.

5-сон СММСда белгиланилишича, солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорати деганда қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ маслаҳати бўйича хизматлар сифатли кўрсатилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар комплекси тушунилади ва у қуйидагиларни ўз учига олиши шарт:

➤ ташкилотнинг ўз мажбуриятларини лозим даражада бажариш учун билимга, маҳоратга ва малакага

эга бўлган солиқ маслаҳатчилари билан жамланганлиги;

➤ мураккаб бўлган вазифаларни касбий малакаси ушбу вазифалар хусусиятларига мувофиқ бўлган солиқ маслаҳатчиларига топшириш;

➤ солиқ маслаҳати бўйича хизмат кўрсатиш жараёнида ишларни зарур сифат талабларига жавоб берадиган йўналтирувчи кўрсатмалар асосида бажариш;

➤ солиқ маслаҳатчиларининг аниқ ҳолатларда билими етарли бўлмаганда, солиқ маслаҳатчилари ташкилоти ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам тегишли маслаҳатлар олиш;

➤ ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун солиқ маслаҳатчиларига нисбатан тегишли чоралар кўриш.

Маълумот учун: «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ишлаб чиқарилган СММС мамлакатимизда солиқ маслаҳати бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг мезъёрий элементни ҳисобланади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 25.10.2017 йилдан кучга кирди.

Ўзбекистонда ЭИЗ ва КСЗ бошқарувининг янги тизими жорий этилади

Президентнинг 25.10.2017 йилдаги «Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3356-сон қарори эълон қилинди.

ЭИЗ ва КСЗ бошқарувининг янги тизими 1.12.2017 йилдан жорий этилади. У қуйидагиларнинг янгиланган тартибини қўзда тутди:

➤ инвестиция лойиҳаларини саралаб олиш;

➤ ер участкаларини тақдим этиш;

➤ хом ашё ва материалларни олишни таъминлаш;

➤ ЭИЗда жойлашадиган тадбиркорлик субъектларига кредит ресурсларини ажратиш.

Кўрсатилган санагача ҳудудларнинг мавжуд минерал-хом ашё, ер, сув, қишлоқ ҳўжалиги ресурслари, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳияти, экологик шароитларини инобатга олган ҳолда ҳар бир ЭИЗнинг соҳавий ихтисослашуви аниқланади. Икки ой муддатда ҳар бир ЭИЗга уларнинг соҳаларига оид ихтисослашувини инобатга олган ҳолда хорижий ин-

весторларни жалб этиш бўйича «йўл хариталари» ишлаб чиқилади.

ЭИЗ ва КСЗ фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий комиссиялар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ЭИЗ ва КСЗ фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича маъмурий кенгашлар тарзида қайта тузилди. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш билан янги тузилган Республика кенгаши шуғулланади.

ЭИЗ иштирокчиларига қўшимча имкониятлар берилган. Хусусан, уларга қуйидагиларни амалга ошириш рухсат этилган:

давлат ихтиёрида бўлган тўхтаб турган корхона ва мол-мулкни «ноль» қиймати бўйича инвестицион мажбуриятларни олган ҳолда сотиб олиш;

ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур бўлган

биржа товарларини (хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотлар) ишлаб чиқарувчилардан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича бозор нархида сотиб олиш;

Инвестициялар бўйича давлат қўмитасида экспертизадан ўтказмасдан импорт шартномалари тузиш. Бу имконият 1.11.2017 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари – устав капиталида давлат улуши бўлмаган, банклар томонидан Тикланиш ва Тараққиёт жамғармасининг кредит линиялари ҳисобига молиялаштириладиган ЭИЗ иштирокчиларига берилади.

Бундан ташқари, «Навоий», «Ангрен», «Жиззах» ЭИЗ ва янги тузилган ЭИЗ дирекциялари зоналар фаолият юритадиган барча давр учун солиқ ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлардан озод этилади.

1.03.2018 йилдан бошлаб инвесторларга ЭИЗ, инвестицион лойиҳалар ҳақида маълумотлар ва бошқа хизматлар тақдим этилишини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси ЭИЗ ва КСЗ ягона портални яратиш ва ишга тушириш режалаштирилган.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 25.10.2017 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова, Феруз Хайруллаев, «Norma Online» экспертлари.

Ушбу
сонда:

4-БЕТ

Хорижий капитал иштирокидаги корхона рўйхатдан ўтказиш

5-БЕТ

Хорижлик билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузиш қоидалари

8-БЕТ

Енгил автомобилда кимлар камар тақмаслиги мумкин?

Барча тўловлар – миллий валютада

Вазирлар Маҳкамасининг 9.10.2017 йилдаги 810-сон қарори билан бир қатор ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилди. Валюта сиёсатини либераллаштириш натижасида тузатишлар киритилган бўлиб, тўловларни миллий валютада амалга оширишга йўналтирилган.

Илгари «Норма маслахатчи» газетасининг 24.10.2017 йилдаги 43-сонида чоп этилган шарҳда Президентнинг баъзи ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар таҳлил қилинган эди. Ҳозир ҳукумат қарорларига тузатишлар киритилмоқда.

Тўлов тури	Белгиланган миқдор	Аввалги миқдор
Давлат божни ставкалари, йиғимлар		
Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни «ягона дарча» ягона марказларида давлат рўйхатидан ўтказганлик учун:		
ўзи келиб	ЭКИХнинг 32 баравари	ЭКИХнинг 5 баравари ва 500 АҚШ доллари
Интернет тармоғи орқали	ЭКИХнинг 16 баравари	ЭКИХнинг 2,5 баравари ва 250 АҚШ доллари
Чет эл фуқароларини аккредитациядан ўтказиш учун йиғим	ЭКИХнинг 5 баравари	100 АҚШ доллари
Гибҳандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни транзит тарзида ўтказишга аризининг Наркотик моддаларини назорат қилиш бўйича комиссия томонидан қўриб чиқиши ва рухсатнома олиниши учун йиғим	ЭКИХнинг 5 баравари	ЭАВда (ЭКИХнинг 5 бараварига эквивалент)
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида прописка қилиш		
ВМнинг 19.07.2017 йилдаги 527-сон қароридagi тартибда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан сотиб олинган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида янги қурилган кўчмас мол-мулк қиймати	қиймати 600 млн сўмдан кам бўлмаган, тўловни банк ҳисобварақлари орқали амалга ошириб	шартнома тузилган санадаги МБ курси бўйича қиймати 150 минг АҚШ долларида кам бўлмаган
Сугурталаш соҳасида		
Транспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини сугурталаш шартномалари бўйича 1 ойгача муддатга Ўзбекистон ҳудудига қирадиган битта автотранспорт воситасидан ундирилаётган сугурта мукофотлари ставкалари ҳисоблаб чиқариладиган сугурта жавобгарлиги миқдори:		
Қозоғистон Республикаси	ЭКИХнинг 54 баравари	1 минг АҚШ доллари
Туркменистон	ЭКИХнинг 162 баравари	3 минг АҚШ доллари
Тожикистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси	ЭКИХнинг 162 баравари	3 минг АҚШ доллари
Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта суммаси	12 млн сўм	3 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг (шартномада МБ курси бўйича миллий валютада кўрсатилган)
Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш шартномаси бўйича сугурта пули битта йўловчига	44 млн сўм миқдорда, улардан: 40 млн сўми – йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига; 4 млн сўми – унинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун	11 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдорда, улардан: 10 минг АҚШ доллари – йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига; 1 минг АҚШ доллари – унинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун

Тўлов тури	Белгиланган миқдор	Аввалги миқдор
Монополияга қарши курашни тартибга солиш соҳасида		
Молия ташкилотларининг молия бозоридagi активларининг жами баланс қийматлари миқдорлари қуйидагича бўлган:		
а) устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) ва бошқа мулк қийматларини олишга доир битимларни тузиш назорат қилинади;		
б) монополияга қарши органнинг молия бозоридagi ҳўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишга, қўшиб олишга олдиндан розилиги талаб этилади		
банкларга нисбатан	1 800 млрд сўм	450 млн АҚШ доллари
сугурта компанияларига нисбатан	100 млрд сўм	25 млн АҚШ доллари
лизинг компанияларига нисбатан	12 млрд сўм	3 млн АҚШ доллари
нобанк кредит ташкилотларига, қимматли қўғозлар бозорининг профессионал қатнашчиларига нисбатан	1,6 млрд сўм	400 минг АҚШ доллари
Инвестициялар, инвесторлар		
Инвестиция фонди, шунингдек хусусийлаштириш инвестиция фондининг устав фонди	камида 1 600 млн сўм	камида МБ курси бўйича эквивалентда 400 минг АҚШ доллари
Инвестордан Ўзбекистон Республикасига берилиши режалаштирилаётган конларни қидириш, разведка қилиш ва нефть-газ хом ашёсини қавлаб олиш юзасидан маҳсулот тақсимотида оид битимлар доирасида хорижий инвестор томонидан янги ташкил этилган ёки сотиб олинган мол-мулк қиймати	2 млрд сўмдан кам эмас	500 минг АҚШ долларида кам эмас
Маҳсулот тақсимотида оид битимлар		
Буюртмачи томонидан танлов ўтказмасдан битта контракт бўйича товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш	100 млн сўмдан кўп бўлмаган	25 минг АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлган
Буюртмачи томонидан товарлар, ишлар ва хизматларни танлов асосида танлаш натижаларига кўра сотиб олиш билан боғлиқ харидлар	100 млн сўмдан ортиқ бўлган, лекин 400 млн сўмдан кўп бўлмаган	эквивалентда 25 минг АҚШ долларида ортиқ бўлган, бироқ 100 минг АҚШ долларида ортиқ бўлмаган
Танлов савдолари натижалари бўйича товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олишга контрактлар (истисноли ҳоллардан ташқари)	400 млн сўмдан ортиқ	100 минг АҚШ долларида ортиқ
Келишиш учун ваколатли органга юбориладиган товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олиш юзасидан танлов савдолари ўтказиш натижалари тўғрисидаги танлов комиссияси протоколлари	400 млн сўмдан кўп бўлган, лекин 60 млрд сўмдан ошмайдиган	100 минг АҚШ долларида кўп бўлган, лекин 15 млн АҚШ долларида ошмайдиган
Келишиш учун бошқарувчи қўмитага киритиладиган товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олиш юзасидан танлов савдолари ўтказиш натижалари тўғрисидаги танлов комиссияси протоколлари	60 млрд сўмдан ортиқ бўлган	15 млн АҚШ долларида ортиқ бўлган
Тасдиқлаш учун бошқарувчи қўмитага киритиладиган ва фақат бошқарувчи қўмита томонидан тасдиқлангандан кейин қўлга қирадиган тузилган контрактлар	60 млрд сўмдан ортиқ бўлган	15 млн АҚШ долларида ортиқ бўлган

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 31 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобовларни юритиш, шунингдек, божиона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгиледи.*)

1 Австралия доллари	6199,15	1 Польша злотийси	2209,19
1 Англия фунт стерлинги	10615,46	1 СДР	11398,23
1 БАА дирҳами	2199,38	1 Туркия лираси	2140,69
1 АҚШ доллари	8078,12	1 Швейцария франки	8099,99
1 Миср фунти	458,98	1 ЕВРО	9381,12
1 Канада доллари	6298,24	10 Жанубий Корея вон	7,19
1 Хитой юани	1215,94	10 Япония иенаси	71,13
1 Малайзия ринггити	1906,57	1 Россия рубли	139,27
		1 Украина гривнаси	301,65

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўзиб қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмасан.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	30.10.2017	1	1,7002	1	1,9751	1	0,0293
Арманистон	27.10.2017	1	482,24	1	561,04	1	8,30
Беларусь	30.10.2017	1	1,9734	1	2,2935	100	3,3967
Грузия	30.10.2017	1	2,5612	1	2,9766	100	4,3941
Қозоғистон	30.10.2017	1	334,4	1	389,04	1	5,75
Қирғизистон	30.10.2017	1	68,7000	1	79,7607	1	1,1828
Молдова	30.10.2017	1	17,2723	1	20,0817	1	0,2965
Россия	28.10.2017	1	58,0833	1	67,5276	—	—
Тожикистон	30.10.2017	1	8,7977	1	10,2141	1	0,1485
Туркменистон	30.10.2017	1	3,5000	1	4,1325	100	6,0695
Украина	30.10.2017	100	2 687,5781	100	3 118,9344	10	4,6271

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Барча тўловлар – миллий валютада
- Ишсизлар қандай билан олади
- Валюталар курси
- **1-3-бетлар**
- **ҲЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ**
- Хорижий капитал иштирокидаги корхона:
- илк қадамлар
- **4-бет**
- **КАДРЛАР БЎЛИМИ**

- Меҳнат дафтарчаси бўлган эдимми?
- Чет эллик фуқарони ишга қабул қилаётми:
- нима нарни инобатга олайлик
- **5-бет**
- **ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ**
- Прописка тўғрисида илтимоснома киритиш ҳуқуқи
- Чеғарани кесиб ўтишдан аввал
- Нуқсон учун тўлов
- Оқибатда боришингиз ман этилади

- Қоидаларни ҳисобга олиб
- Ақа-ўқа бўлишдан қатъи назар
- **6-бет**
- **АВТОНОРМА**
- Ҳуқуқбузарликларни «Хавфсиз шаҳар» комплекс белгилари
- Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун тўлов ошди
- Рулга ўтиришдан аввал сертификат олинг

- Хизмат автомобилни қаерда сақлайлик
- Пропан қуйиш шохобчалари сони камай-тирилади
- Камар тақмасликлари рухсат берилган
- Қонуний талаб
- **7-8-бетлар**
- **ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН**
- ДИХХининг янги регламенти кўра
- **8-бет**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслахатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман қўчириб бо-
сиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarl birlashgan
tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Тўлов тури	Белгиланган миқдор	Аввалги миқдор
Агар контрактнинг умумий суммаси тегишли ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда қонунчиликда белгиланган миқдордан ошмаса, ваколатли орган билан келишмасдан тузиладиган амалдаги контрактларга қўшимча битимлар	танлов асосида танлаш натижаларига кўра	
	400 млн сўмдан	100 минг АҚШ долларидан
	танлов савдолари ўтказиш натижаларига кўра	
Агар контрактнинг умумий суммаси тегишли ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда қонунчиликда белгиланган миқдордан ошса, битимлар ваколатли орган билан келишган ҳолда тузиладиган амалдаги контрактларга қўшимча битимлар	400 млн сўмдан ошмаса ва контракт умумий суммасининг 30%идан ошмаса	100 минг АҚШ долларидан ошмаса ва контракт умумий суммасининг 30%идан ошмаса
	танлов асосида танлаш натижаларига кўра	
	400 млн сўмдан ошса, бу ҳолда қўшимча битимлар суммаси контракт умумий суммасининг 30%и доирасида бўлиши керак	100 минг АҚШ долларидан ошса, бу ҳолда қўшимча битимлар суммаси контракт умумий суммасининг 30%и доирасида бўлиши керак
Агар тегишли ўзгартиришларнинг умумий суммаси қонунчиликда белгиланган миқдордан ортиқ бўлса, бошқарувчи қўмита қарорига кўра тузиладиган контрактларга қўшимча битимлар	танлов савдолари ўтказиш натижаларига кўра	
	400 млн сўмдан ошса, лекин 4 млрд сўмдан ортиқ бўлмаса ва контракт умумий суммасининг 30%идан ошмаса	100 минг АҚШ долларидан ошса, лекин 1 млн АҚШ долларидан ортиқ бўлмаса ва контракт умумий суммасининг 30%идан ошмаса
	4 млрд сўмдан ва (ёки) контракт умумий суммасининг 30%идан ортиқ бўлса	1 млн АҚШ долларидан ва (ёки) контракт умумий суммасининг 30%идан ортиқ бўлса
Қурилиш		
Танлов савдолари ўтказиладиган битта контракт бўйича харидлар суммаси	400 млн сўмдан ортиқ	100 минг АҚШ долларига тенг бўлган суммадан ортиқ
Танлов савдолари ўтказилмасдан бюртмачи томонидан ташкил этиладиган махсус комиссиянинг қарори етарли бўлганда битта контракт бўйича харидлар суммаси	4 млн сўмдан 400 млн сўмга	300 АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларига тенг суммага
Таълим		
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиди хорижий мамлакатларнинг фуқароларини ўқитиш қиймати	1 йилга ЭКИХнинг 260 баравари	1 йилга 5 минг АҚШ долларини миқдориди
Рухсатномалар бериш		
Рухсатнома (Ўзбекистон ҳудудида кино- ва видеоасвирга олишга) берилганлиги учун хорижий кинокомпаниялардан республика бюджети даромадига тўлов	ҳар бир тасвирга олиш кўни учун миллий валютада – 800 минг сўм миқдориди	ҳар бир тасвирга олиш кўни учун миллий валютада – 200 АҚШ долларига тенг суммага (тўлов кўнида МБнинг курси бўйича)
ХИТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома олиш учун зарур асосий фондлар (воситалар) ҳажми	80 млн сўмдан	Кафолат бирлашмасига мурожаат қилган кўнда МБнинг курси бўйича ҳисоблаганда камида 20 минг АҚШ долларидан
Бадаллар		
Ички истеъмол бозорида нарх-навои барқарорлаштиришга қўмаклашиш жамғармасига МБнинг бирламчи бадали	400 млрд сўм	эквиваленти 100 млн АҚШ доллари

Турист (меҳмонхона) йиғимнинг янги миқдори ҳақида ёзган эдик. Энди меҳмонхоналар туристик йиғим суммаларини жамлаш учун хорижий валютадаги махсус ҳисобрақамларни очишга мажбур эмаслар, балки фақат миллий валютадаги ҳисобрақамларни очадилар. Тегишинча, шартномалар тузиш, счёт, квитанция ва бошқаларни бериш, ҳисобни юритиш ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасига туристик йиғим миқдорини ўтказиш, шунингдек Жамғармага пеня тўлаш – барчаси миллий валютада амалга оширилади.

Пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш тартибида муҳим ўзгаришлар рўй берди: экспортга сотиш илгаригидек ЭАВда амалга ошириляпти, пахта толасини қайта ишлайдиган республика корхоналарига эса сўмга сотиляпти. Бунда пахта толасининг биржа савдоларида сотилишини тартибга солиш механизми ўзгарди: энди экспортга сотиш илгари бўлгандек валюта майдони орқали эмас, балки ЎзРТХБнинг савдо майдонлари орқали амалга оширилади.

Энди қуйидагилар фақат миллий валютада тўланади:

- патент божлари ёки тўловларининг ставкалари (Ўзбекистон резидентлари ва норезидентлари бўлган барча юридик ва жисмоний шахслар учун);
- Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид Битимига доир Баённомага (Мадрид, 27.06.1989 йил) мувофиқ белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан ундирилаётган яққа тартибдаги божлар;
- қимматли қозғалар бозори профессионал қатнашчилари ўз маблағларининг энг кам миқдорлари;
- мамлакатимиз божхона ҳудудида кириб келувчи хорижий транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзинюрар машина ва механизмлари ҳайдовчиларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурталашда суғурта муқофотлари;
- Тожикистон ва Қирғизистон автотранспорт воситалари учун суғурта муқофотлари;

➢ табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузганлик учун чет эл фуқаролари ва бошқа давлатларнинг юридик шахсларидан ундирилаётган (ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш билан боғлиқ қонун бузилишлари учун ундирилаётган жарималар бундан мустасно);

➢ республика норезидентларига кўрсатилган тиббий ёрдам.

Қуйидаги турли **йўл йиғимлари ва тўловлари** ҳам миллий валютада тўланади:

- хорижий давлатларнинг автотранспорт воситалари кириш ҳужжатларини расмийлаштирганлик учун, Ўзбекистон ҳудудига кириши ва унинг ҳудуди бўйлаб транзит ўтиши учун олинadиган йиғим;
- Ўзбекистон ҳудудида Туркменистон автотранспорт воситаларидан ундирилаётган йиғим;
- чегарадош давлатларнинг юк автотранспорт воситалари мамлакатимиз божхона ҳудуди орқали ўтиши учун ягона йиғимлар;
- Афғонистонга бораётган автотранспорт воситаларидан Ўзбекистон ҳудудига кириш ва транзит учун тўлов;
- кирганлиги ва транзит ўтиши учун ҳар бир хорижий автотранспорт воситасидан олинadиган қўшимча йиғим;
- хорижий давлатларнинг оғир вазни ва йирик габаритли транспорт воситалари Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб ўтганлиги учун тўлов*;
- Туркменистон автотранспорт воситаларидан ундирилаётган адекват йиғимлар;
- Тожикистон юк транспорт воситалари ва автобусларининг мамлакатимиз божхона ҳудудига кирганлиги ва у орқали ўтганлиги учун йиғимлар ставкаларини бирхиллаштириш*.

Ҳужжатга мувофиқ қонун ҳужжатларининг бир қатор норма ва қоидалари чиқариб ташланди ёки ўз кучини йўқотди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 12.10.2017 йилдан кучга кирган.

Зумрад Ниязметова, адвокат.

*Илгари АҚШ долларида ҳисоблаб чиқарилган, энди эса ЭКИХда ҳисобланади. Йиғим миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун тўлов кўнида белгиланган ЭКИХ қўлланилади.
*ЭАВда белгиланган, бироқ сўмда ундирилади.

Ишсизлар қандай билим олади

Вазирлар Маҳкамасининг 14.10.2017 йилдаги 824-сон қарори билан Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш минтақавий марказларида ўқишга қабул қилиш, касб-хунарга ўқитиш тартиби тўғрисидаги низомлар тасдиқланди.

Эслатиб ўтамиз, апрель ойида 2017–2020 йилларда ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш марказларини босқичма-босқич ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури (ВМнинг 10.04.2017 йилдаги 199-сон қарорига 1-илова) қабул қилинган эди.

- Ўқиш учун нима керак**
- Касб-хунарга ўқитиш минтақавий марказларида ўқиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
- белгиланган шаклдаги ариза;
 - паспорт нусхаси (ҳужжатларни топшириш вақтида паспортнинг асли кўрсатилади);
 - диплом ёки аттестатнинг асл нусхаси;

- соғлиғи тўғрисида маълумотнома (086-шакл);
 - иш бевувчи, Бандликка қўмаклашиш туман (шаҳар) маркази ҳамда ишга кириш истагини билдирган шахс ўртасида тузилган ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартнома нусхаси;
 - Бандликка қўмаклашиш туман (шаҳар) маркази томонидан берилган йўлланма;
 - 3,5 x 4,5 см ўлчамдаги рангли фотосурат (4 дона).
- Ўқишга қабул қилиш учун ҳужжатлар қабул қилинадиган вақт мобайнида ҳужжат топширган номзодлар сони касб йўналиши бўйича белгиланган қабул квотасидан ошган тақдирда ушбу йўналиш бўйича номзодлар учун кириш имтиҳонлари ўтказилади. Кириш имтиҳонлари тест шаклида ўтказилади, бунда ҳар бир тўғри жавоб учун муайян баллар берилади.
- Тест синовлари натижалари бир кун ичида ўқув марказининг эълонлар тахтасига осиб қўйилади ва бир вақтнинг ўзида унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади. Тест синовлари натижаларидан норози бўлган номзод апелляция бериш ҳуқуқига эга.
- Бир йўналиш бўйича етарли балларни тўплай ол-

маган номзод тест синовлари ўтказилмаган ёки қабул квотаси тўлмаган бошқа касбни танлаши мумкин.

- Ўқиш қандай ўтади**
- Ўқув жараёни 40 ҳафта давом этади: ҳар бири 12 ҳафтадан иборат бўлган 2 семестр, ишлаб чиқариш амалиёти – 15 ҳафта ва якуний малака имтиҳони – 1 ҳафта. Ҳар бир машғулот 2 академик соатни ташкил этади (80 дақиқа).
- Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ўқув дастурининг таркибий қисми ҳисобланади. Ишлаб чиқариш амалиёти 90 кун, ҳафталик юклаваси 36 соат, бир кунлик 6–8 соатдан иборат бўлиб, жами 540 соатни ташкил этади.
- Ўқувчиларнинг билим, малака ва қўникмаларининг тегишли касб бўйича малака талабларига мувофиқлиги жорий, оралиқ ва якуний назорат шакллари орқали аниқланади.
- Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 17.10.2017 йилда кучга кирди.**
- Олег Заманов, «Norma Online» эксперти.**

Танишим – Беларусь Республикаси фуқароси Ўзбекистонда фирма очмоқчи. Корхона Беларусдан олиб келинадиган лифтлирни улгуржи ва чакана сотади. Лифтлар янги, белорус заводиди ишлаб чиқарилган. 1. Корхонани рўйхатдан ўтказишни нимадан бошлаш лозим, қандай ҳужжатлар керак бўлади? Рўйхатдан ўтказиш қанча муддат давом этади? Ушбу фаолият тури учун лицензия зарурми? Устав фондининг энг кам миқдори қанча?

2. Бу турдаги техника учун қандай божхона божлари тўланади?

3. Хорижликлар учун имтиёзлар борми?

О.Костова, бош бухгалтер.

Хорижий капитал иштирокидаги корхона: илк қадамлар

1 Корхонани ЎзР ҳудудида онлайн-режимда (www.birdarcha.uz) ёки ўзингиз келган ҳолда рўйхатдан ўтказишнинг мумкин (Низомнинг 4-банди, ВМнинг 9.02.2017 йилдаги 66-сон қарорига 1-илова).

Аввалига сўровномани шакллантиришнинг ва эркин фирма номлари рўйхатидан лотин алифбосидаги фирма номини танлашнинг лозим. Танланган фирма номини 60 календарь кунгача сақлаб туриш мумкин. Сўнгра юридик шахснинг давлат (Ўзбек) тилида тайёрланган ҳужжатлари, шунингдек давлат бож тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати илова қилиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар корхона муассислари (хаммуассислари) бўлса, улар таъсис ҳужжатларини электрон рақамли имзо билан имзолайдилар (Низомнинг 11–13-бандлари).

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган давлат бож ставкалари миқдорлари Низомга 2-иловада келтирилган.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш муддати 30 дақиқадан ошмайди (Низомга 3-илова).

Лифт ускуналари билан **улгуржи савдо қилиш** учун улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқига лицензия олишингиз зарур (ВМнинг 5.11.2005 йилдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган Низом).

Чакана савдо учун аввал объект-ни (тургун савдо шохобчасини) мулк қилиб ёки фойдаланиш ҳуқуқи билан олиш зарур. Сўнгра савдо шохобчасида нақд ва нақд пулсиз тўловларни қабул қилиш учун назорат-касса машинаси ва ҳисоб-китоб терминалини ўрнатиш керак. Товарларни чакана сотиш учун лицензия талаб қилинмайди.

Хорижий муассислар иштирокидаги корхонани ташкил этаётганда **хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона** (ХИИК) ва **хорижий капитал иштирокидаги корхона** (ХКИК) фарқлаш зарур.

ХИИК деб ҳисобланиш учун қуйидаги мезонларга жавоб бериш керак:

➤ устав капитали 150 минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлиши мумкин эмас;

➤ корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий юридик шахс бўлиши шарт;

➤ хорижий инвестициялар улуши корхона устав фондининг камида 30%ини ташкил этиши зарур (30.11.1996 йилдаги ПФ-1652-сон Фармоннинг 1-банди).

Қонун ҳужжатларида ХИИК учун бир қатор имтиёзлар назарда тутилган.

Корхона юқорида кўрсатилган мезонларга жавоб бермаса, бироқ унинг таркибиди хорижий иштирокчилар¹ мавжуд бўлса, корхона хорижий капитал иштирокида ташкил этилган деб ҳисобланади. ХИИКга нисбатан назарда тутилган имтиёзлар бундай корхонага қўлланмайди. Бироқ ХКИК учун бошқа имтиёзлар белгиланган, шунингдек умумий имтиёзлар² қўлланиши мумкин.

ХИИК ва ХКИК корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳисобланмайди. Шу сабабли хорижий инвестициялар мақомини аниқлаб олгандан сўнг ташкилий-ҳуқуқий шаклини (МЧЖ, АЖ, ХК ва х.к.) танлашнинг керак бўлади. Шунга қараб устав фондининг энг кам миқдори белгиланади³.

Ўзбекистон ҳудудида жамиятларнинг устав капиталига қўйиладиган минимал талаблар фақат миллий валютада белгиланади (2.09.2017 йилдаги ПФ-5177-сон Фармон).

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда.
Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Норма» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар

200-00-59 телефони оркали

(шаҳарлараро қўнғироқлар учун кодлар: уқли телефондан +99871, стационар телефондан 8371) солиқ солиши ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига экспертларимиздан жавоб олишлари мумкин. Ҳафтаининг 5 кунли давомида соат 10.00 дан 17.00 гача. Тушлик вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.

2 ТИФ ТНга мувофиқ лифт ускуналари 8428-«Юкни кўтариш, ўтказиш, ортиш ёки тушириш учун бошқа машина ва қурилмалар (масалан, лифтлар, эскалаторлар, конвейерлар, канат йўллари)» товар позицияси коди билан 84-гурӯҳга киради.

8428-товар позицияси бўйича божхона бож ставкаси 0%ни ташкил этади, акциз солиғи ҳам тўланмайди (29.09.2017 йилдаги ПҚ-3303-сон қарор).

Ушбу товар позициясига (фуқаролик қурилишида фойдаланиладиган лифтлардан ташқари) ҚҚС солинмайди (Солиқ кодексининг 201-моддаси), сабаби Ўзбекистон Республикаси ху-

дудига олиб киришда импорт божхона бож ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига (АВ томонидан 20.03.2013 йилда 2436-сон билан рўйхатдан ўтказилган), шунингдек уларни етказиб бериш технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш контракти шартларида назарда тутилган бўлса, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларга киради. Бироқ корхона улар олиб кирилган пайтдан эътиборан 3 йил мобайнида ушбу товарни **экспортга** реализация қилган (текин берган) тақдирда, имтиёз бекор қилинади ва ҚҚС тўлаш зарур бўлади (Солиқ кодексининг 211-моддаси).

3 Белгиланган Рўйхатга (11.04.2005 йилдаги ПФ-3594-сон Фармон билан тасдиқланган) кўра иқтисодиёт тармоқларида маҳсулотларни ишлаб чиқаришга (хизматлар кўрсатишга) ихтисослаштирилган ХКИК юридик шахсларнинг фойдасидан олинладиган солиқ, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ЯСТ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилади:

➤ 300 минг АҚШ долларидан 3 млн АҚШ долларигача – 3 йил муддатга;

➤ 3 млн дан ортиқ АҚШ долларидан 10 млн АҚШ долларигача – 5 йил муддатга;

➤ 10 млн АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга.

Имтиёзлар қуйидаги шартлар асосида қўлланилади:

➤ мазкур корхоналарни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятини истисно қилган ҳолда, республиканинг барча шаҳарлари ва қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш;

➤ хорижий инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмаган ҳолда амалга ошириш;

➤ корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 33%ни, акциядорлик жамиятлари учун эса – камида 15%ни ташкил этиши лозим;

➤ хорижий инвестицияларни ЭАВ ёки янги замонавий технологик ускуна тарзида қўйиш;

➤ мазкур имтиёзларни қўлланиш муддати давомида имтиёзлардан олинган даромаднинг камида 50%ини корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш.

Бунинг устига, хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган янгида ташкил этилаётган ХИИК қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлардан ҳимояланганлар. **Улар давлат рўйхатидан ўтган сандан бошлаб 10 йил мобайнида** солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинладиган фойда солиғи, ҚҚС (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ЯИТ, ЯСТ, шунингдек Республика йўл жамғармасига ҳамда бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашнинг **мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақлидирлар.**

Қиймати 50 млн АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50% бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида (ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги) зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади (10.04.2012 йилдаги ПФ-4434-сон Фармоннинг 2, 3-бандлари).

Александр Лобанов,
«Norma Online» эксперти.

¹Жисмоний ёки юридик шахслар бўлишидан қатъи назар.

²Барча тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган.

³Масалан, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси 2-хатбоши, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси.

Меҳнат дафтарчаси бўлган эдими?

Ходимни ишга қабул қилаяпмиз. Унинг айтишича, илгари ишламаган ва меҳнат дафтарчаси бўлмаган экан. МКнинг 80-моддасида айтилишича, ишга қабул қилиш вақтида ишга қираётган шахс меҳнат дафтарчасини ҳам, биринчи маротаба ишга қираётган шахслар бундан мустасно, тақдим этади. Халқ банки тизимида анкетани рўйхатдан ўтказаятганда бу шахсда ШЖБПХ рақами бор эканлиги маълум бўлди. Қандай ҳужжат ишга жойлашайтган шахсда меҳнат дафтарчаси йўқлигини тасдиқлайди? Унинг йўқлигини тасдиқлаш тартиби қайси НХҚда белгиланган?

Д.Селимова.

— Ишга қабул қилинаётган шахсда меҳнат дафтарчаси йўқлигининг тасдиқланиши қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган.

ШЖБПХ рақамининг мавжудлиги ходим илгари стажга ва меҳнат дафтарчасига эга бўлганлигини аниқлашга ёрдам берилади.

Масалан, у фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ишларни бажарган бўлиши мумкин. Бундай шартларда ишлаганда ШЖБПХ рақами берилмайди, меҳнат дафтарчаси эса юритилмайди. Ходимга аввалги иш жойида ШЖБПХ рақамини берган ва ШЖБПХ дафтарчасини расмийлаштирган, у ерда 5 кун ҳам ишламаганлиги учун меҳнат дафтарчасини юритмаган бўлишлари ҳам эҳтимол.

Янги ишга қабул қилинаётган ходимнинг меҳнат дафтарчасини юрита бошлаган иш берувчи у меҳнат стажига эга бўлганлиги, аввал унга меҳнат дафтарчаси очилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

Бундан ташқари, меҳнат дафтарчаси борлиги далилини яшириш ходимнинг манфаатларига хизмат қилмайди. Аввалги меҳнат стаж пенсияни расмийлаштириш, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Бошқа корхоналарда иш таърибасига эга бўлса, буш лавозимларга номзодларни кўриб чиқаятган янги иш берувчилар уни муносиб деб топишлари мумкин. Бу ҳолда меҳнат дафтарчасини яширган ходим кўпроқ ютқазади.

Шу сабабли янги ходим билан тушунтириш тариқасида суҳбат ўтказган маъқул. 2 та меҳнат дафтарчасига эга бўлиб, улар воситасида турли ташиқлотларда асосий иш жойида ишлай олмаслигини — солиқ органлари буни осонгина фош этишларини унга етказиш даркор. Пенсияни расмийлаштириш вақтида 2 та меҳнат дафтарчасини тақдим этса, биргина даврдаги фаолияти учун икки барабар стаж ҳисобламайдилар.

Ходим меҳнат дафтарчасини йўқотган ва буни тан олишдан чўчиётган бўлса, унинг дубликатини расмийлаштириш тартибини тушунтириш зарур. Дубликат учун архив маълумотномаларини тўплаш бирмунча вақт олади,

бирок расмийлаштирилган ҳужжатга эга бўлиш имконини беради.

Ходим илгари меҳнат дафтарчам бўлмаган деб туриб олса, меҳнат дафтарчаси беришларини сўраб ариза ёзиши ва унга ШЖБПХ рақами берилганлиги ҳолатларини изоҳлаб ўтиши зарур. Сўнгра Бандликка кўмаклашиш марказига биринчи маротаба ишга қираётган ходим учун меҳнат дафтарчаси олишга буюртманома расмийлаштирилади. Унга ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ, унинг паспорти ва аризаси нусхалари илова қилинади.

Валерия Ляндрес,
кадрлар хизмати ходими.

Чет эллик фуқарони ишга қабул қилаяпмиз: нималарни инобатга олайлик

Россия Федерацияси фуқароси билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузмоқчимиз.

Чет эллик фуқаро билан ФХШ тузишга ҳақлимизми? Бунинг учун қандай ҳужжатлар зарур? Қандай солиқ оқибатлари юзага келиши мумкин? Ижрочи шартномада кўрсатилган ишларни бажариш учун ўз билим ва кўникмаларини қандай тасдиқлаши лозим?

А.Сагдеева, юрист.

— Ташкилотингиз чет эллик жисмоний шахс билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома (ФХШ) тузишга ҳақли.

Бирок тузилаётган ФХШда меҳнат шартномаси аломатлари кўринса, назорат органлари тузилган битимни кўзбўямачилик битими (ФКнинг 124-моддаси) деб тан олиши хатари юзага келади. Бу ҳолда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, хусусан, Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва упардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 19.10.1995 йилдаги 408-сон қарорига

2-илова) талаблари бузилади. Ушбу ҳужжатда иш берувчининг ваколатли органдан хорижий ишчи кучларини жалб қилишга рухсатномалар олиш, хорижий фуқароларнинг эса Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқлаш мажбурияти белгиланган.

ФХШ тузиш учун чет эллик фуқаро шахсини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) тақдим этиши зарур. У аниқ вақт режимида, хорижий фуқароларга солиқ мажбуриятлари пайдо бўлганда берилади (ВМнинг 11.03.1997 йилдаги 130-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 5-банди).

Чет эллик фуқаролар жисмоний шахслардан олинган даромад солигини тўловчилар ҳисобланади (Солиқ кодексининг 168-моддаси). ЖШДС ставкаси чет эллик шахс мамлакатимиз резиденти ҳисобланиш-ҳисобланмаслигига қараб фарқланади. Чунончи, **норезидентнинг** фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича олинган даромадларига 20%лик ставкада солиқ солинади (Солиқ кодексининг 182-моддаси). Чет эллик фуқаро мамлакатимиз резиденти бўлса, у олган даромадларга ЎЗР резидентлари бўлган жисмоний шахслар даромадлари шкаласида кўрсатилган ставкаларда солиқ солинади (27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699-сон қарорга 9-илова).

ЎЗРда доимий яшаб турган ёки ҳар қандай кетма-кетликдаги 12 ойлик давр ичида жами 183 кун ва ундан ортиқ муддат турган жисмоний шахс резидент деб эътироф этилади (Солиқ кодексининг 19-моддаси).

Шунингдек чет эллик шахснинг ФХШ бўйича даромадларидан ягона ижтимоий тўлов тўланиши лозим (Солиқ кодексининг 306-моддаси), сабаби меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар бўйича олинган даромадлар ҳам қиради (Солиқ кодексининг 172-моддаси 2-қисми 1-хатбоши).



Чет эл фуқаролари Ўзбекистонда доимий равишда яшаб турган бўлсалар, Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини тўлашлари шарт (Солиқ кодексининг 305-моддаси 2-қисми).

Мамлакатимиз ҳудудида доимо яшайдиган хорижий фуқаролар, агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва халқаро шартномаларида бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон фуқаролари билан тенг ҳолатда жамғариб бориладиган пенсия таъминотида бўлган ҳуқуқдан фойдаланадилар (АВ томонидан 6.10.2005 йилда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 6-банди).

Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномасини қўллаш ҳуқуқига эга бўлган ЎЗР норезидентининг Ўзбекистондаги манбалардан олинган даромадларидан ЖШДС бюджетга тўланган тақдирда, у тўланган ЖШДСни солиқ мажбурияти бўйича даъво муддати мобайнида бюджетдан қайтариб олиш ҳуқуқига эга (Солиқ кодексининг 195-моддаси).

Тузилган шартнома бўйича у ёки бу ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш) учун чет эллик фуқародан малакасини ва (ёки) тегишли билим ҳамда кўникмаларга эгалигини тасдиқловчи ҳужжатни (диплом, сертификат, аттестат ва ҳ.к.) талаб қилинг.

Александр Лобанов,
«Norma Online» эксперти.

РЕКЛАМА

НОРМА

**«КИЧИК КОРХОНА
ЭЛЕКТРОН
БУХГАЛТЕРИ»**

**Ўзбек тилидаги қўлланмасини
тақдим этамиз**

Тошкент ш., Миробод т.мани,
Ташкилгаржон куч., 111. Б.б. (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz; web: www.norma.uz

*Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида даромаддан ва мулкдан олинган солиқларнинг иккиёқлама қўлланилишига йўл қўймаслик тўғрисида битим (Москва, 2.03.1994 йил, 27.07.1995 йилдан кучга кирган).

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Прописка тўғрисида илтимоснома киритиш ҳуқуқи

Вазирлар Маҳкамасининг 11.10.2017 йилдаги 813-сон қарори билан Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхати (ВМнинг 7.10.2016 йилдаги 336-сон қарорига 1-илова) тўлдирилди.

Бундай ҳуқуққа Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши Раиси эга бўлди.

Эслатиб ўтамиз, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган

шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати (14.09.2011 йилдаги ЎРҚ-296-сон Қонун билан тасдиқланган) 11-бандига кўра худди шундай тартибда Ўзбекистон ёшлар иттифоқида ишга



таклиф этилаётган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосликдаги

мутахассислар, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга прописка қилиниши мумкин.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 12.10.2017 йилда кучга кирди.

Самир Латипов, «Norma Online» эксперти.

Чегарани кесиб ўтишдан аввал

Мен Корея олий ўқув юрти талабасиман, бу йил ўқишни тугатаман. Икки йил аввал университет номидан кўнгилли сифатида Монголияга муддати ўтган стикер бўйича борганман. Чиқиш ва кириш тартиби ҳақида сафардан кейин билдим. Ўзбекистонга қайтганимда бу ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланадими?

И.П.

– Стикернинг амал қилиш муддати чет элда тамома бўлиши Ўзбекистон Республикасига киришда, шунингдек бир хорижий давлатдан бошқасига сафар қилишда жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ кириш визаларини расмийлаштириш талаб этилмайдиган хорижий давлатлардан бошқа хорижий давлатларга сафар қилиш бундан мустасно.

Шу тариқа, ўқиш учун Жанубий Кореяга амалда бўлган стикер бўйича кирган ва унинг амал қилиш муддати чет элда бўлган вақтингизда тугаган бўлса, ушбу мамлакатда бўлган пайтингизда Монголия Республикасига чиқишингиз ва ундан қайтишингиз мумкин бўлган. Бу ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди.

Айталик, халқаро шартномаларга мувофиқ стикер бўлиши талаб этилмайди Россия Федерацияси ёки Қозоғистон Республикасига ўқишга кетиб, ушбу мамлакатлардан Монголия Республикасига чиққанингизда, Ўзбекистонга қайтган чоғингизда чегараларни ноқонуний кесиб ўтганлигингиз учун сизни жавобгарликка тортишлари мумкин эди (Тартибнинг I бўлими 7-банди, ВМнинг 6.01.1995 йилдаги 8-сон қарорига 1-илова).

Нуқсон учун тўлов

Нуқсонли паспорт берганлар: фотосурат бўлган саҳифада ламинация яхши елимланмаган эди, вақт ўтиши билан унинг ярми кўчиб кетди. Виза ва рухсатномалар бериш бўлимидагилар бу менинг айбим билан бўлганини айтиб, жарима (ЭКИХнинг 3 баравари миқдорда) тўлашимни сўрашяпти, бироқ паспорт аввалбошдан нуқсонли эди. Мен қандай йўл тутай?

А.Першин. Тошкент ш.

– Фуқароларга паспортларни ИИБ бошлиқлари ёки уларнинг ўринбосарлари, ёхуд ТИИБнинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиmlари (ХЧКваФРБ) бошлиқлари тошйраддилар, улар қуйидаги хатти-ҳаракатларни амалга оширишлари:

➤ олувчи паспорт номига ёзиб берилган шахс эканлигига ишонч ҳосил қилишлари – унинг фамилияси, исми, отасининг исми ва бошқа маълумотларни сўраб, уларни паспортдаги ёзувлар билан солиштиришлари, шунингдек фотокарточкадаги шахс тасвирини олувчининг кийфаси билан таққослашлари;

➤ олувчи паспортга киритилган маълумотлар ва қайдларнинг тўғрилигини, шунингдек муайян нуқсонлар бор-йўқлигини аниқлаш мақсадида текшириб кўришни таклиф этишлари;

➤ олувчи паспортга имзо чекишни таклиф этишлари шарт (АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 34-банди).

Шу тариқа, паспорт столи ходими паспортни бериш чоғида юқорида кўрсатилган хатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлса ва сиз уни олганда имзо қўйган бўлсангиз, нуқсон сабабли жарима тўлаш тўғрисидаги талаблар тўғри қўйилган саналади.

Оқибатда боришингиз ман этилади

Боришим тақиқланганлигини рўқач қилиб, стикер олиш ҳақидаги илтимосимни рад этдилар. Мен паспортимни ўйқотганман. Қозоғистондан қайтишга сертификат бўйича келганман. Қозоғистон ҳукумати билан муаммо бўлмаган, депортация ҳақида сўз бормаган. Виза ва рухсатномалар бериш бўлимидагилар паспортини ўйқотганларнинг барчасига тақиқ қўйишларини айтдилар. Бундай хатти-ҳаракатлари тўғрими?

В.Семаков. Тошкент ш.

– Агар ИИВда ёки ТИВда ушбу шахснинг чет элда бўлган вақтида келган мамлакатни қонунларини бузганлиги (қонун бузилишлари рўйхати тегишли органлар томонидан белгиланади) тўғрисидаги ахбороти, шунингдек бориши мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатадиган ахборот мавжуд бўлса – ахборот ҳисобга олинган кундан бошлаб 2 йил ўтгунга қадар чет элга бориш ҳуқуқини чеклаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин (8-сон Тартибнинг III бўлими).

Сизнинг ҳолатда бўлган мамлакатда паспорт йўқотганингиз жиддий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка олиб келади.

Қоидаларни ҳисобга олиб

Самарқанд шаҳрида доимий пропискиси бўлган Ўзбекистон фуқароси квартирани ижарага олиш шартномасига кўра вақтинча рўйхатдан ўтган ҳолда Тошкентда яшайди. Агар унинг ота-онаси Тошкентга меҳмонга келмоқчи бўлсалар (5 кундан 2 ойгача), уларни рўйхатдан ўтказиш (вақтинча прописка қилиш) керакми? Ота-онаси ўғли билан ижара шартномаси тузишлари зарурми ёки квартира эгаси биланми? Тошкентда бўлиш муддати ижара шартномаси тузиш зарурлигига таъсир кўрсатадими? Ёки ижара шартномасига ота-онасини киритиш учун унга ўзгартириш киритиш керакми?

Е.Анзуров. Тошкент ш.

– Ота-онаси Тошкентга келган кунларидан бошлаб 5 кун муддатда ўзлари вақтинча турган жойдаги ТИИБ ХЧКваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари зарур:

- ариза;
- паспорт;

➤ уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги);

➤ турар жой учун ҳужжатларнинг нусхалари;

➤ ҳисобга олинганлик учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция;

➤ турар жойни ёхуд унинг бир қисmini ижарага олиш ёки турар жойдан ёхуд унинг бир қисmidан текин фойдаланиш тўғрисида шартноманинг нусхаси.

Шу тариқа, ота-онасини фуқаронинг (ўғилларининг) вақтинча турган жойи бўйича ҳисобга олиш учун қўшимча равишда турар жойни ёхуд унинг бир қисmini ижарага олиш ёки турар жойдан ёхуд унинг бир қисmidан текин фойдаланиш тўғрисида шартнома тузиш ва уни нотариал тасдиқлаш зарур.

Қонун ҳужжатларида тасдиқланган турар жойни ижарага олиш шартномасига ўзгартиришлар киритилиши назарда тутилмаган (Низомнинг 14-банди, ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 1-илова).

Ака-ука бўлишдан қатъи назар

Акам Тошкентда пропискадан ўтган, шу ерда яшайди. Уйланган, бироқ уй эгаси – амакиваччамиз рухсат бермаётгани сабабли хотинини пропискадан ўтказиш олмаяпти. Ҳозир у Жиззахда пропискадан ўтган. Турмуш қуриб, акам билан яшайётганига 6 йил бўлди. Битта қизлари бор. Шу пайтгача турли жойларда вақтинча прописка расмийлаштириб келмоқда. Акам хотини ва қизини пропискадан ўтказиши учун нима қилиш мумкин?

Эргаш К., Тошкент ш.

– Сизнинг ҳолатда акангиз хотини ва қизини доимий пропискадан ўтказиш учун уй-жой мулкдорларининг розилигини олиши зарур. Шунингдек ТИИБ ХЧКваФРБга тақдим этиш учун:

➤ ИИБ томонидан белгиланган шакл бўйича ариза;

➤ Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти;

➤ турар жой учун ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

➤ уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

➤ никоҳ тузилганлиги ёки болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

➤ прописка учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанцияни тайёрлаб қўйиши зарур.

Шу тариқа, уй-жой мулкдорининг турар жой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризасиз (розилигисиз) акангизнинг хотини ва қизини доимий пропискадан ўтказиш бўлмайди (41-сон Низомнинг 4-банди).

Санжар Хўжааҳмедов, «Norma Online» эксперти.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИК

Ҳуқуқбузарликларни «Хавфсиз шаҳар» комплекси белгилайди

Вазирлар Маҳкамасининг 17.10.2017 йилдаги 838-сон қарорига мувофиқ «Хавфсиз шаҳар» ягона аппарат-дастурий комплекси концепциясини Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази ишлаб чиқади.

«Хавфсиз шаҳар» ягона аппарат-дастурий комплекси жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилмоқда. Шу мақсадда ИИО, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ахборот тизимлари ҳамда «Электрон ҳукумат» тизимлари бирлаштирилади.

Шунингдек, Марказ олдига жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш соҳасида фаолиятнинг самарадорлиги ва тезкорлигини ошириш учун ягона навбатчи-диспетчерлик хизмати ва маълумотларни қайта ишлаш марказларини ташкил этиш вазифаси қўйилган.

Бунда Марказ фаолиятини молиялаштириш «Хавфсиз шаҳар» комплекси орқали аниқланган тартиббузарликлар учун жарималарни тўлашдан тушадиган маблағларнинг 10%и миқдорига бўлган маблағлар ҳисобига, етмаган қисми эса — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 18.10.2017 йилда кучга кирди.

Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун тўлов ошди

Ички ишлар вазирининг буйруғи (АВ томонидан 16.10.2017 йилда 2303-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда, автомобилотранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан ўтказишда, қайта рўйхатдан ўтказишда, мажбурий техник кўрикдан ўтказишда, шунингдек имтиҳонларни олишда ундирилмайдиган тўловлар ставкаларининг баъзилари ўзгартирилди ва тўлдирилди.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг март ойида миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси ва автомобилотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг янги намуналари тасдиқланди. Амалдаги ҳужжатларни алмаштириш 2020 йилга қадар босқичма-босқич амалга оширилади (ВМнинг 2.03.2017 йилдаги 116-сон қарори).

Ўзгарган ва қўшимча ставкаларнинг солиштирма жадвалини тақдим этамиз.

	Берганлик учун ставкалар		
	аввалги ҳажми	янги ҳажми	қўшимча ставкалар
Автоматотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома	ЭКИХнинг 20%и	ЭКИХнинг 70%и	
Автоматотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги вақтинчалик гувоҳнома			ЭКИХнинг 20%и
Автоматотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги яроқсиз ҳолатга келган, зарарланган ёки ўғирланган гувоҳноманинг дубликати			ЭКИХнинг 70%и
Автоматотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги вақтинчалик гувоҳнома дубликати			ЭКИХнинг 1 баравари
Ҳайдовчилик гувоҳномаси	ЭКИХнинг 20%и	ЭКИХнинг 70%и	
Янги намунадаги йўқотилган ҳайдовчилик гувоҳномаси дубликати			ЭКИХнинг 1 баравари
Йўқотилган эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ва (ёки) унинг талони ўрнига янги намунадагиси			ЭКИХнинг 1 баравари
Яроқсиз ҳолатга келган, зарарланган ёки ўғирланган ҳайдовчилик гувоҳномасининг дубликати олиш, жумладан, эскиси ўрнига янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ва (ёки) унинг талони			ЭКИХнинг 70%и
Йўқотилган ҳайдовчилик гувоҳномаси ўрнига вақтинчалик рухсатнома			ЭКИХнинг 10%и

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 17.10.2017 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова, «Norma Online» эксперти.

Рулга ўтиришдан аввал сертификат олинг

ВМнинг 4.09.2017 йилдаги 693-сон қарорига мувофиқ, юридик шахсларга тегишли автомобилотранспорт воситаларини бошқараётган ҳайдовчилар 2018 йил 1 январдан бошлаб 2 йилда 1 марта малака оширишга мажбур бўладилар. Ушбу талаб барча юридик шахсларнинг ҳайдовчиларига тааллуқлими ёки юридик шахсларнинг фақат йўловчилар ва юк ташиш билан шуғулланувчи ҳайдовчиларигами?

А.Умаров, координатор.

— Ҳақиқатан ҳам, барча юридик шахсларга тегишли автомобилотранспорт воситаларини бошқараётган шахслар 2018 йил 1 январдан бошлаб 2 йилда 1 марта малака оширишга мажбур (ВМнинг 4.09.2017 йилдаги 693-сон қарори 2-банди).

Ҳайдовчи деганда йўлларда транспорт воситасини бошқариб бораётган шахс тушунилади (ИХҚнинг 6-банди, ВМнинг 24.12.2015 йилдаги 370-сон қарорига 1-илова). Юридик шахсга тегишли автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси штатдаги ҳайдовчи ҳам, курьер ҳам, корхона директори ҳам бўлиши мумкин.

Малака ошириш учун ҳайдовчи тегишли ўқув курсидан ўтиши шарт. Ўқув курси якунлари бўйича унга «Avtotest Report» МЧЖ ўқув комплекси сертификати берилади.

Бунинг устига, 1.01.2018 йилдан бошлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилади, уларга мувофиқ: > хизмат автомобилотранспортининг ҳайдовчиси бошқа ҳужжатлар қатори сертификатни ёнида олиб юриши ва ДИХХХ ходимлари талаб қилганда текшириш учун тақдим этиши шарт (ИХҚнинг 7-банди);

> техник кўрик бошланишидан олдин юридик шахс ДИХХХнинг ҳудудий органига тақдим этадиган ҳужжатлар орасида сертификат нусхаси бўлиши керак (ВМнинг 31.01.2003 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 22-банди).

Сабоҳат Султонова, «Norma Online» эксперти.

Хизмат автомобиллини қаерда сақлайлик

Ташкилотимиз 2016 йилда «Cobalt» русумидаги 4 та янги автомобиль (2016 йилда ишлаб чиқарилган) сотиб олди. Муассислар йиғилиши баённомасига кўра автомобиллар 2016 йил якунлари бўйича дивидендлар ҳисобига муассисларга бериш учун сотиб олинган, корхона улардан фойдаланмоқчи эмас. Барча муассислар корхонамизнинг ходимлари ҳисобланади.

Бир йиллик фойдаланиш муддати ўтмагунча автомобилларни муассисларнинг шахсий гаражларида сақлаш мумкинми?

Автомобилларни бир йил масъул сақлашга муассислар билан шартномалар тузиш мумкинми, уларни нотариал тасдиқлаш зарурми?

М.Азимова.

— Йўқ, автомобилларни муассисларнинг шахсий гаражларида сақлаш мумкин эмас.

Якка тартибдаги гаражлар — фуқароларнинг автомобилотранспорт воситаларини сақлаш учун автомобилотранспорт воситалари эгаларига туман (шаҳар) ҳокимининг қарорига мувофиқ берилган улар яшайдиган жойлар яқинидаги ер участкаларида уларнинг маблағлари ҳисобига қурилган иншоотлар (ВМнинг 31.07.2013 йилдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 3-банди). Тегшинча, қонун ҳужжатларида юридик шахсларнинг автотранспортни жисмоний шахсларнинг якка тартибдаги гаражларига сақлашга рухсат берилмаган.

Юридик шахсларнинг автотранспортни қуйидаги жойларда сақлашга рухсат берилади:

> ташкилотларга берилган, автомобилотранспорт воситалари сақланганлиги учун тўлов ундирилмайдиган ер участкаларида жойлашган автомобилотранспорт воситаларини сақлаш жойларида;

> автомобилотранспорт воситаларини сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларнинг автомобиллар тўхташ жойларида.



Автоматотранспорт воситаларини сақлаш хизматлари автомобиллар тўхташ жойларида фақат юридик шахслар томонидан кўрсатилади (213-сон Низомнинг 5-банди).

Корхонада унга ажратилган участкада жойлашган ўзининг автомобиллар тўхташ жойи ёки гаражи бўлмаса, гаражларга эга бўлган ва автотранспортни сақлаш хизматларини кўрсатадиган бошқа юридик шахс билан сақлаш шартномасини ёзма равишда тузиши тавсия этамиз. Ушбу шартнома тури нотариал тасдиқлашни талаб этмайди.

Алибек Худойбергенов, «Norma Online» эксперти.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Пропан қуйиш шохобчалари сони камайтиради

Вазирлар Мақамасининг 11.10.2017 йилдаги 815-сон автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари тармоғини ривожлантириш ва автотранспорт воситаларини сиқилган табиий газга босқичма-босқич ўтказиш ҳамда улар учун мўлжалланган газ баллонни ускунасида хавфсиз фойдаланишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Метанга ўтилади

2017–2019 йилларда 800 467 та автотранспорт воситасини табиий сиқилган газдан фойдаланишга ўтказиш ва 178 та автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари (кейинги ўринларда – АГТКС) қуриш режалаштирилган. Бундай станцияларда аксарият ҳолларда метан сотилади.

Мазкур режаларни амалга ошириш мақсадида АГТКС жойлашган жойларда «ягона дарча» тамойили бўйича имтиёзли кредитлар ажратиш йўли билан автотранспортга газ баллонни ускуналарини сотиб олиш ва ўрнатишга рағбатлантириш таклиф этилмоқда.

Ҳозирда суюлтирилган нефть газини (асосан пропан, изобутан ва н-бутандан ташкил топган энгил углеводородлар босими остида суюлтирилган газлар аралашмаси) сотаётган мавжуд автомобилларга газ қуйиш станциялари (кейинги ўринларда – АГТКС) босқичма-босқич АГТКСга ихтисослаштирилади. 2017 йилнинг 1 декабидан эса АГТКС қуриш учун ер ажратиш тўхтатилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникасини ҳам газга ўтказиш. Бунинг учун махсус ишчи гуруҳ тузилди ва тахминан 2018 йилнинг 1 мартидан бошлаб сайёр АГТКСларни барпо қилиш кўзда тутилган.

Газ баллонни ускуналари текширилади

Эслатиб ўтамиз, Сиқилган табиий газда, суюлтирилган нефть газда ёки дизель ва газсимон ёқилғи аралашмасида ишлайдиган транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисида умумий техник регламентга (ВМнинг 11.11.2015 йилдаги 326-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқ мамлакатимизда 2015 йилдан бошлаб қуйидаги турдаги бал-

лонларни автотранспорт воситаларига ўрнатиш тақиқланган:

СПГ-2 – цилиндр қисми смолланган жгут ип (обручлар кўринишида ўралган) билан кучайтирилган металл корпус;

СПГ-3 – бутун корпуси смолланган жгут ип билан кучайтирилган металл корпус (ёппасига ўралган);

СПГ-4 – смолланган жгут ипли нометалл корпус (бутунлай композит материалдан ясалган). Фақат СПГ-1 турдаги буткул металлдан ясалган турдаги баллонларни ўрнатишга рухсат берилади.

Эндиликда 1.02.2018 йилдан бошлаб СПГ-2, СПГ-3, СПГ-4 турдаги баллонларга эга бўлган автотранспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади. Бундан ташқари, заводдаги комплектацияси бузилган СПГ-1 турдаги баллонларга ҳам тақиқ қўйилди. Мазкур талабга риоя қилмаслик ЭКИХнинг 5 баробаригача жарима (МЖТК 125-моддасининг 5-қисми) билан жазоланади. Агар бу ўртача оғирликдаги тана жароҳати ва бошқа оғирроқ оқибатларга олиб келган бўлса, ЖКнинг 266-моддаси (максимал жазо – 10 йилгача озодликдан маҳрум этиш) бўйича жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу тақиқ «MAN A 22 CNG» маркали автобусларга нисбатан қўлланилмайди.

Бундан ташқари, автотранспорт воситаларидаги газ баллонни ускунасининг техник ҳолати назоратини реал вақт режимида (онлайн) амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 13.10.2017 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов, «Norma Online» эксперти.

ЙХҚни ЁДГА ОЛАМИЗ

Ҳайдовчи хавфсизлик камарини тақишга мажбур эканлигини биламан. Кўпинча таксида юраман, ҳайдовчиларнинг камар таққанларини кўрмаганман. Бу билан Йўл ҳаракати қоидаларини бузмайдиларми?

З.К. Тошкент ш.

Камар тақмасликларига рухсат берилган

– Бу ҳолда Йўл ҳаракати қоидалари бузилмайди. Сабаби хавфсизлик камарини тақмасликка рухсат берилган шахслар мавжуд (ЙХҚнинг 9-банди, ВМнинг 24.12.2015 йилдаги 370-сон қарорига 1-илова), яъни:

- автомобилнинг орқа ўриндигидаги 12 ёшгача бўлган болалар (ушбу Қоидаларнинг 159-бандига мувофиқ);
- транспорт воситасини ўқувчи бошқараётган вақтда автотранспорт воситасини ёки шахар электр транспортини бошқаришни ўргатувчи амалий машғулотлар инструктори;
- ҳомиладор аёллар, саломатлиги хавфсизлик камари тақиш имконини бермайдиган бемор йўловчилар;
- орқага ҳаракатни амалга ошираётган ҳайдовчилар;



➤ аҳоли пунктларида ҳаракатланишда – йўналишли такси ҳайдовчилари, таксининг орқа ўриндигидаги йўловчилар;

➤ аҳоли пунктларида ташқи қисмига махсус рангли график чизмалар чизилган транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари.

Мотоцикл ва мопедда ҳаракатланаётган ҳайдовчи ва йўловчилар махсус мотошлем кийишлари ва уни қадаб олишлари шарт.

Қонуний талаб

ДЙХХХ ходими ҳайдовчидан унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга ҳақлими?

Алишер К.

– Механик транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидагиларни ёнида олиб юриши ва ДЙХХХ ходимлари талаб қилганда текшириш учун тақдим этиши шарт:

- ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонини ёки транспорт воситасини вақтинчалик бошқариш ҳуқуқини берувчи талонни, ҳайдовчилик гувоҳномаси белгиланган тартибда олиб қўйилган бўлса, унинг талонини, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонини олиб қўйилган ҳолларда вақтинчалик рухсатномани;
- вақтинчалик бошқариш ҳуқуқини берувчи талон ёки вақтинчалик рухсатнома билан транспорт воситасини бошқаришда ҳайдовчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни;



➤ транспорт воситаси ёки тиркамани қайд қилиш гувоҳномасини, транспорт воситасининг эгаси бўлмаган ҳолларда эса умумий эгалик ҳуқуқини ёки тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи, эгалик қилишга ва фойдаланишга берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни;

➤ транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисини;

➤ қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда йўл варақаси ва ташилаётган юкнинг ҳужжатларини (ЙХҚнинг 7-банди).

Алла Ромашко, муҳбиримиз.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

ДЙХХИнинг янги регламентига кўра

Тахир қилинган регламентга биноан РФ ДЙХИ инспекторлари ҳужжатларни текшириш учун машиналарни йўлнинг исталган жойида тўхтатишлари мумкин.

Россия ИИВнинг йўл ҳаракати участкаларини назорат қилиш регламентининг янги таҳрири 20 октябрда кучга кирди. Ҳужжат билан биригўла бир нечта янги қоидалар жорий этилди, уларнинг асосийси – инспекторларнинг автомобилларни нафақат стационар постларда тўхтатиш ҳуқуқи. Ҳужжатларни текшириш чоғида ҳайдовчи уларни нафақат жилдсиз, балки «ушлаб турувчи мосламаларсиз» (регламентда бундай аниқлаштириш биринчи марта йўлдо бўлди) тақдим этишга мажбур.

Бундан ташқари, янги регламентда инспек-

торлар ҳайдовчилар билан қандай мулоқот қилишлари кераклиги батафсил баён этилган. Масалан, ДЙХИ ходимларининг ўзларини кўпол тутишлари, беҳурмат муносабатда бўлишлари, манманлик қилишлари, ноҳолис равишда танбех беришлари тақиқланади. Шунингдек ҳуқуққа зид муомала қилишга туртки бўлувчи ҳаракатлар қилишлари, ҳақоратли ибораларни гапиришлари ёки луқма ташлашлари, чекишларига йўл қўйилмайди.

Манба: auto.mail.ru.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Мировод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўзғаткичи – АЗ. Ҳажми – 2 босма таъб. Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма 1208. Адади 1 070. Газета 2017 йил 30 октябрь соат 19.00 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
буйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.